“Qashqadaryo texnologik transport”АЖ
акциядорларининг умумий
йиғилишининг 2026 йилнинг 15 июнда
1-сонли қарори билан
“ТАСДИҚЛАНДИ”

“QASHQADARYO TEXNALOGIK TRANSPORT” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

2026 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси (2016 йил 11 февралда 02-02/1-187-рақам билан рўйхатга олинган) билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг ЎҚР-760 сонли қонуни, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101 сонли фармони, “**Qashqadaryo texnalogik transport**” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Жамиятнинг Кузатув кенгаши мақомини белгилайди, ишини, унинг аъзоларини сайланишини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу қонунчилик ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига тўланадиган ҳақ миқдори фаолият самарадорлигига боғлиқ ҳолда белгиланади.

1.4. Мазкур Низом қонунчилик ва жамият уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

2.1. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

2.1.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият Ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.1.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

2.1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.1.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

2.1.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани белгилаш;

2.1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошида назарда тутилган масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

2.1.7. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.1.8. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

2.1.9. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

2.1.10. Жамият Ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ушбу ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

2.1.11. Аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматлари ҳақи чегараланган миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.12 . Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.1.13. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.1.14. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

2.1.15. Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

2.1.16. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 8 ва 9-бобида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.17. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

2.1.18. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.19. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ва эълон қилинган акцияларнинг сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

2.1.20. Қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек мазкур ҳужжатларга киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш;

2.1.21. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 34-моддасига мувофиқ, акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

2.1.22. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.23. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.1.24. Жамият Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

2.1.25. Жамият Ижроия ораганига жамият Ижроия органининг ўринбосарлари ва бош ҳисобчисини тайинлаш юзасидан тегишли тавсиялар бериш;

2.1.26. Корпоратив маслаҳатчининг тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

2.1.27. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш юзасидаги масалаларни кўриб чиқиш.

2.1.18. Давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банклари томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) кўриб чиқиш, розилик бериш ва назорат қилиш.

2.1.29. Хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш;

2.1.30. Хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамни кўрсатиш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилиши билан белгиланган доирада қарор қабул қилиш.

2.1.31. Давлат улуши бўйича дивиденд миқдори корхонанинг инвестиция лойиҳалари, бизнес-режа кўрсаткичлари ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда давлат иштирокидаги корхоналарнинг давлат улуши бўйича сайланган кузатув кенгаши аъзолари томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишига тавсия этилади.

2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.3. Жамият кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият Ижроия органига берилиши мумкин эмас.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда акциядорлар кенгаш таркибига камида бир мустақил аъзони киритиш юзасидан Корпоратив бошқарув кодекси қоидаларига риоя этадилар.

3.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Жамият кузатув кенгашнинг сон таркиби 9 кишидан иборат.

3.3. Жамият кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.4. Жамият Ижроия органи аъзолари жамият кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган шахслар мазкур жамият кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.6. Кузатув кенгашининг сайланган аъзоси ваколатларини муддатидан аввал тугатиш, агар у қонунчиликни, жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

3.7. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар жамият устави ёки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарор билан белгиланиши мумкин.

3.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.9. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки куда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда белгиланган тартибда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида таклиф этилади.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

3.10. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ

4.1. Жамият кузатув кенгаши раиси кузатув кенгаши сайланган аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Кузатув кенгаши раиси мажлисда ҳал этиладиган масалалар мазмунини ҳисобга олган ҳолда кенгаш мажлисига жамият ва унинг бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек жамият мутахассисларини таклиф этишга ҳақли.

4.5. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир маротаба чақирилади.

Шунингдек, жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, кузатув кенгаши, жамият ижроия органи, жамиятнинг ички аудит хизмати бошлиғи, шунингдек жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисида ёзма талабнома тақдим этилган санада жамият жами овоз берувчи акцияларининг

бир фоизидан кам бўлмаган миқдорига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) талабига кўра чақирилади.

5.2. Жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш тўғрисидаги талаб қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- талаб берган шахс (орган) тўғрисида маълумотлар;
- мажлиснинг кун тартибига қўйилган масалалар таърифи;
- мазкур масалаларни қўйиш асослари;
- масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа материаллар, шунингдек мажлис жамият оддий акцияларининг камида 1 фоизига эгалик қилувчи акциядор(лар) томонидан чақирилган тақдирда, талабга мазкур акциядор(лар)нинг мажлисни чақириш тўғрисида талаб қўйилган санада акциядор эгалигида бўлган тегишли турдаги акцияларнинг зарур бўлган миқдори мавжудлигини тасдиқловчи ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма ҳамда акциядорга талабни кўриб чиқиш натижаларини юбориш учун унинг боғланиш маълумотлари илова қилинади;
- мажлисни чақириши талаб этувчи шахс (орган раҳбари) имзоси.

5.3. Жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш ёзма талаб берилган вақтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан амалга оширилади, акс ҳолда юқоридаги талаб берган шахсга келтирилган муддатда жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш бўйича асосланган рад жавоби юборилади.

5.4. Юқоридаги шахслар талабига кўра жамият кузатув кенгаши мажлисини ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб берилган санада жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 1 фоизига эгалик қилмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисни чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

6.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоси мажлисда шахсан иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у мажлис чақираётган шахсга мажлисда видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш тўғрисида талабнома юбориши мумкин. Ушбу талабнома жамиятга мажлис ўтказиладиган санадан бир иш куни аввал юборилиши лозим. Бунда жамият кузатув кенгаши аъзоси мажлисда видеоконференцалоқа режимида иштирок этиши кворумни ҳисоблашда ҳисобга олинади.

6.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони устав ва мазкур низомда назарда тутилган миқдорнинг 75 фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Ижроия органи раҳбарини ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

6.3. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва жамият уставида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда жамият кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

Жамият устав фондини (капиталини) кўпайтириш ва уставга тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Афилланган шахс билан йирик битим тузиш ҳамда у билан тузилган битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 8 ва 9-бобида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

6.4. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

VII. СИРТДАН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

7.2. Сиртдан овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор кузатув кенгашининг раиси томонидан қабул қилинади.

7.3. Сиртдан овоз беришни ўтказиш учун жамият кузатув кенгашининг барча аъзоларига мажлис кун тартиби масалалари кўрсатилган ҳолда сиртдан овоз бериш ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборилади. Хабарномага кун тартиби масалалари бўйича материаллар ва овоз бериш бюллетени илова қилинади. Ёзма хабарнома кузатув кенгаши аъзоларига почта ёки электрон алоқа орқали юборилади.

7.4. Овоз бериш бюллетенларида жамиятнинг тўлиқ фирма номи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича "тарафдор", "қарши" ёки "бетараф" деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари, тўлдирилган бюллетенни тақдим этиш санаси бўлиши керак. Бюллетенлар сиртдан овоз бериш баённомасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.5. Сиртдан овоз беришни ўтказиш тўғрисида хабарнома кузатув кенгаши аъзоларига тўлдирилган бюллетенни тақдим этишнинг белгиланган санасигача 5 календарь кунидан кечиктирмасдан юборилади.

7.6. Кузатув кенгаши аъзолари томонидан тўлдирилган ва шахсан имзо қўйилган овоз бериш бюллетенлари кенгаш котибига ҳужжат шаклида ёки электрон-рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади. Бунда жамият бюллетеннинг электрон вариантини қўллаши учун кузатув кенгаши аъзоси қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ, электрон-рақамли имзо ҳақиқийлигини текшириш имкониятини олдиндан таъминлаб бериши лозим.

7.7. Тўлдирилган бюллетенларни тақдим этиш санасидан кеч бўлмаган муддатда овоз бериш бюллетенлари қабул қилинган кузатув кенгаши аъзолари сиртдан овоз беришда иштирок этган деб ҳисобланадилар.

7.8. Бюллетень масала бўйича овоз бериш вариантларининг бир устунидан кўпроғида ҳар қандай белгилар мавжуд бўлганда ёки бюллетенда кузатув кенгашининг овоз берувчи аъзоси имзоси бўлмаганда айрим масалалар бўйича тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилиши мумкин. Овоз бериш бюллетени уни тақдим этган шахс айби билан электрон-рақамли имзо ҳақиқийлигини текшириш мумкин бўлмаган ҳолатда ўз кучини йўқотган деб эътироф этилади.

7.9. Сиртдан овоз бериш якунларига кўра жамият кузатув кенгашининг баённомаси тузилади. Мажлис (сиртдан овоз бериш) баённомаси кузатув кенгаши раиси ва котиби томонидан имзоланади. Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш бюллетенлари мазкур баённоманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

VIII. БАЁННОМАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши котиби мажлис баённомасини юритади.

Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

8.2. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда иштирок этган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Кузатув кенгаши аъзоси мажлисда видеоконференцалоқа орқали иштирок этганда, мажлис баённомасига ушбу мажлис видеоёзуви электрон ташувчида мажбурий тартибда илова қилинади.

8.3. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган ҳамда ушбу баённома тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан ва мажлис баённомасини юритган кузатув кенгаши котиби томонидан имзоланади.

8.4. Кузатув кенгаши сиртдан овоз бериш орқали қарор қабул қилганда мажлис (сиртдан овоз бериш) баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

- баённома тузилган сана;
- ушбу санада имзоланган овоз бериш бюллетенларини тақдим этган кузатув кенгаши аъзолари;
- кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Мажлис (сиртдан овоз бериш) баённомаси тўлдирилган бюллетенларни тақдим этиш учун белгиланган санадан бошлаб 5 кундан кечиктирмасдан расмийлаштирилади.

Мажлис баённомаси кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Баённомага кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш бюллетенлари илова қилинади.

8.5. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамият Ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

IX. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Кузатув кенгаши аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масалалар бўйича регламент билан белгиланган вақт чегарасида қатнашиш;
- кузатув кенгаши қарори бўйича маълум давр учун жамият фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумот олиш;
- кузатув кенгашида ишлаганлик учун қонунчиликда ёки жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда мукофот пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

9.2. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги батафсил маълумотларни, шу жумладан, тегишли шартноманинг муҳим шартларини кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиш;

- лавозим мажбуриятларини сидқидилдан, ҳамда жамият манфаатлари учун у энг яхши деб ҳисоблаган йўл билан амалга ошириш.

9.3. Мажбуриятларни амалга ошириш даврида кузатув кенгаши раиси ва аъзолари Ўзбекистон Республикасидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдорида, кузатув кенгаши котибига 2 баравари миқдорида ҳар ойда иш ҳақи тўланади.

Шунингдек, қўшимча тарзда йил якунлари бўйича, жамиятда мустақил аудит ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра кузатув кенгаши аъзоларига, котибига ва жамият ижро органига Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга хақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 20 баравари миқдоригача рағбатлантириш пули тўлаш.

9.4. Кузатув кенгаши аъзолари жамият имкониятларидан (мулкий ва номулкий ҳуқуқлардан, хўжалик фаолиятидаги имкониятлардан, жамият фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлардан) шахсий бойиш мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

9.5. “Кузатув кенгаши аъзоларининг фидуциар мажбуриятлари:

Кузатув кенгаши аъзолари:ўз вазифаларини виждонан ва оқилона амалга ошириши;

- жамият ва акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланиши;
- жамият мол-мулкидан шахсий манфаатларда фойдаланмаслиги;
- жамият бизнес имкониятларидан шахсий наф олиш мақсадида фойдаланмаслиги;
- жамиятнинг асосий фаолиятига ўхшаш тадбиркорлик фаолиятини тегишли рухсатсиз амалга оширмаслиги;
- жамиятнинг махфий ахборотини ошкор қилмаслиги;
- қарор қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмаслиги шарт.

Кузатув кенгаши аъзолари фидуциар мажбуриятларни бузиш натижасида жамиятга етказилган зарар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

X. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда жамият манфаатларида ҳаракат қилиши лозим ва жамият олдида қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ жавобгардирлар.

10.2. Бунда бир неча шахслар жавобгар бўлган тақдирда, улар жамият олдида солидар жавобгар бўладилар.

10.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.4. Жамият ёки жамият жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

XI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИ (ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ)

11.1. Жамият кузатув кенгаши асосланган ва самарали қарорларни қабул қилишни таъминлаш мақсадида тегишли масалалар бўйича, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш учун вақтинча ва доимий қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этади.

11.2. Жамият кузатув кенгаши ваколатига кирган масалаларни олдиндан ҳар томонлама ўрганиш ҳамда кузатув кенгаши учун тавсияномаларни тайёрлаш қўмиталар (ишчи гуруҳлар)нинг улар фаолияти йўналишлари бўйича асосий вазифаси ҳисобланади.

11.3. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари жамият кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳага оид олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан ташкил этилади. Қўмиталар амал қилиши тартиби ва ваколатлари жамият кузатув кенгашининг уларни ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари билан белгиланади.

11.4. Жамият кузатув кенгашининг ишчи гуруҳлари муайян муддатга ва / ёки муайян дастурни бажаргунга ёки жамият фаолиятининг айрим йўналишларини ва лойиҳаларини ўрганиш учун муайян ҳаракатларни амалга оширгунга қадар ташкил этилади.

11.5. Қўмиталар ва ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият устави ва ички ҳужжатлари талабларига, шунингдек акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ фаолият юритади.

11.6. Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил этилади.

XII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

12.2. Мазкур Низом қоидаларидан бири ўз кучини йўқотган тақдирда, ушбу қоида бошқа қоидалар амал қилинишини тўхтатиб туриш учун сабаб бўлмайди.

12.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки жамият Уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки жамият устави қоидалари қўлланилади.